



**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПЕДАГОГИК  
ИМКОНияТЛАРИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.96.50.035>

*Пулатова Муҳаббат Эгамбердиевна,  
факультетлараро педагогика кафедраси ўқитувчиси  
Самарқанд давлат университети,*

*Аннотация. мақолада бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетенциясини ривожлантириш педагогик имкониятлари илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек мақолада, таълим жараёнининг инновацион базасини такомиллаштириш ва таълимий-иқтисодий механизмларни янги ресурсларини аниқлаш ва жалб этиш масалалари юзасидан фикр мулоҳазалар билдирилган.*

*Калит сўзлар: бошланғич синф ўқитувчи, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш, технология, инновацион компетенция, педагог-ўқитувчилар салоҳияти, таълим олувчилар салоҳияти, таълим бериш жараёни, техник воситалари, таълим технологиялари, таълим жараёнини бошқариш, сифат даражаси, тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборот.*

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПРОЦЕССА РАЗВИТИЯ  
ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ  
ШКОЛ**

*Пулатова Муҳаббат Эгамбердиевна,  
преподаватель кафедры межфакультетской педагогики  
Самаркандский государственный университет,*

*Аннотация: в данной статье научно и теоретически освещаются педагогические возможности развития инновационных компетенций учителей начальных классов. Также в статье комментируется совершенствование инновационной базы образовательного процесса выявление и привлечение новых ресурсов организационно-экономических механизмов.*

*Ключевые слова: учитель начальных классов, наука, техника, производство, технология, инновационная компетентность, педагогический потенциал, потенциал учащегося, учебный процесс, технические средства, образовательная технология, управление образовательным процессом, уровень качества, быстрое движение, необходимая информация.*

**PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES OF THE PROCESS OF DEVELOPING  
INNOVATIVE COMPETENCE OF PRIMARY SCHOOL TEACHERS**

*Pulatova Mukhabbat Egamberdievna,  
Samarkand State University, Lecturer at the Department of Interfaculty Pedagogy*

*Abstract. This article scientifically and theoretically highlights the pedagogical possibilities for the development of innovative competencies of primary school teachers. The article also comments on the improvement of the innovative base of the educational process and the identification and attraction of new resources of organizational and economic mechanisms.*

*Keywords: primary school teacher, science, technology, production, technology, innovative competence, pedagogical potential, student's potential, educational process, technical means, educational technology, educational process management, quality level, rapid movement, necessary information.*

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллаётган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетенциясини ривожлантириш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик адабиётлар таҳлиliga кўра айтишимиз мумкинки, таълим сифатини таъминлаш – таълим стандартлари, таълим дастурлари, таълим жараёнига жалб қилинган педагог-ўқитувчилар салоҳияти, таълим олувчилар салоҳияти, таълим бериш жараёни техник воситалари, таълим технологиялари, таълим жараёнини бошқаришнинг сифат даражаси каби омиллар билан таъминланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернетнинг таълим соҳасига кенг кириб келиши таълим хизматларининг глобаллашуви учун ҳам катта йўл очмоқда. Ривожланган давлатлар таълим соҳасида бўлаётган бундай ижобий жиҳатларни эътиборга олган ҳолда таълим сифатини юксалтириш учун ахборот-коммуникация технологияларидан оммавий равишда кенг фойдаланиш давр талабига айланиб бормоқда. [7;]

Барча жабҳаларда кечаётган бугунги ислохотлар айниқса бошланғич синф ўқитувчисининг ўқув жараёнининг қандай ташкил этиши унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Таълимни модернизациялашдан мақсад таълимнинг тараққиётини таъминлаш ва тизимда XXI асрда яшаётган жамиятнинг эҳтиёжлари, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари, ҳар бир шахснинг ва оиланинг эҳтиёжлари акс этиши лозим. Бундай тараққиёт тизимини яратиш учун замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси эканлигини чуқур ҳис этиши лозим. Бу ундан мустақиллик тафаккурига ва замонавий дунёқарашга эга бўлишни тақозо этади.

Демак, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетенциясини ривожлантириш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим педагогик аҳамият касб этади:

- таълим соҳасидаги ислохотларни, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;
- таълим тизимининг барча босқичларида замонавий таълим сифатини таъминлашга эришиши;
- таълим жараёнининг инновацион базасини такомиллаштириш ва ташкилий-иқтисодий механизмларни янги ресурсларини аниқлаш ва жалб этиш;
- педагог кадрларнинг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш ва рағбатлантириш;
- таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги ютуқларини кенг жорий этиш;
- фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги консорциумни ривожлантириш;
- узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг креатив кўникмаларини, интеллектуал сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш ва бошқалар.

Бошланғич синф таълим жараёнини ташкил этишда бошланғич синф ўқитувчисининг креатив (инг. «create» яратувчанлик, ижодкорлик) инновацион, экстрен компетентлик

қобилиятга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Инновацион компетентлик бу педагогнинг замонавий инновацион ва коммуникатив технологиялар асосида маълумот тўплаш, янги ўқув ахборотларини мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарур ахборотларни узатиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси билан боғлиқ. Бунда педагогнинг таълим соҳасидаги инновацион жараёнларнинг мазмунидан бохабар бўлиши, касбий фаолиятга доир инновацияларни ўзлаштириш, амалиётга жорий этиш, замонавий педагогик, инновацион ва коммуникацион технологиялар соҳасидаги билимлилик, умумий новаторлик фаолияти назарда тутилади. [2;]

Экстрен компетентлик. Педагогик жараёнлар жуда мураккаб жараён бўлиб, бунда педагог учун қутилмаган вазиятлар ҳам учраб туриши маълум. Экстрен компетентлик педагогнинг таълим-тарбия жараёнларидаги қутилмаган экстрен вазиятларда масалаларни позитив хал этиш, тегишли ечимлар қабул қила олиш, педагогик жараёнларни ижобий йўналтира олиш билан белгиланади.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантириш, уларда билимга бўлган эҳтиёжни янада кучайтириш, ўз устида ишлаш кўникмаларини шакллантириш орқали салоҳиятли педагог кадрларни тайёрлаш, қўйилган муаммони ҳал қила олиш таълим оқида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий усуллари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, муаммоли ўқитиш ва мустақил таълим турлари муҳим ўрин тутаяди.

Шундан келиб чиқиб, таълим инновацияларини кўриб чиқамиз. Улар бир неча турга ажратилади. Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар бўлиб, инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим. [4;]

Демак, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетенциясини ривожлантириш жараёнида таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Биламизки, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетенциясини ривожлантириш таълим жараёнини бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизм моҳиятини ифодаловчи фаолият ҳисобланади. Бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетентлигини ривожлантиришда: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологияларининг мазмун моҳиятини теран англаб етиш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Педагогларнинг инновацион компетентлигини ривожлантириш кўп жиҳатдан педагогик компетентлик потенциали ва ундан оқилона фойдаланиш, ўқув билув фаолияти жараёнида педагогларнинг касбий фаолият (ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш)га креатив ёндашишлари ҳақидаги билимларга эга бўлишига, аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантиришда, интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштиришга, шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришга, ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишга боғлиқдир.

Айнан, бошланғич синф ўқитувчисининг интерфаол таълим технологиялари (амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case-study (кейс-стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиялари)ни бошланғич таълим амалиётга самарали татбиқ этиш кўникмаларини эгаллаши янги ўқув материалларини ўқувчиларга осон ва сифатли

етказишда муҳим аҳамият касб этади. [4;]

Шунга кўра таълим компетенцияларини тасдиқланган стандартда келтирилган таъриф бўйича кўриб чиқамиз:

билим — ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

кўникма — ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш;

малака — ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

Тажриба ва кузатишларимизга таяниб айтишимиз мумкинки, инновацион компетентликнинг шаклланишида асосий ўринни педагогларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш эгаллайди. Бунга эса таълим жараёнида педагогларни муаммоли топширик ва вазифаларни ижодий ёндашган ҳолда ҳал қилишга ўргатиш орқали эришиш мумкин. Ушбу умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, креатив ёндашув ўқитувчиларни ҳар қандай шароитда ва ҳолатда ўзларининг ақлий салоҳиятларини тўла ишга солиш, зарур бўлган билимларни излаб топиш, амалий фаолиятларига татбиқ этишга одатлантириб боради.

Демак, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетентлигини шакллантириш, ўқитувчини фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўллар, усул ва услублар, ўқитиш шакллари, метод ва воситаларни излайди, уларни такомиллаштиради. Бу, ўз навбатида, ташаббускор, бунёдкор ва ижодкор ёш кадрларнинг шаклланишига туртки бўлади. Асосийси, бошланғич синфда ўқув билув фаолиятини ташкил этиш учун қулай инновацион муҳит яратади.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетентлигини шакллантириш педагоглар ўртасида ижобий маънодаги рақобатни келтириб чиқаради. Педагоглар бир-бирларидан ўрнак олган ҳолда ўзларининг ақллари, кучларини, вақтларини фойдали фаолият билан шуғулланишга йўналтирадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.

2. Мусурманова О. ва бошқалар. Педагогик атамалар луғати. / ўзбек, рус, инглиз тилларида / Т.: “TURON - IQBOL”, 2019. 844

3. Мусурмонова О. Педагогик технологиялар – таълим самарадорлиги омили; монография / Т.: “Yoshlar nashriyot uyi”, 2020. 184

4. Введенский В.Н. Профессиональная компетентность педагога: Пособие для учителя. – СПб.: Филиал издательства «Просвещение», 2004. –С. 159.

5. Вегерчук Н.Э. Понимание как ключевой компонент в социально-перцептивной компетентности руководителя. // «Мир психологии», 2001, № 3. –С. 122–139

6. Машарипова У. А. Инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ маданиятини шакллантириш методикаси фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.2018

7. Методологик аспект. Педагогик технология: муаммо ва истиқболлар (замонавий педагогик технологиянинг илмий-назарий асослари). Муаллифлар гуруҳи. / Т.: ОЎМҚХТРМ, 300 бет.